

Орол бўйи шароитида қора рангли қорақўл қўйларининг экстерьер хусусиятлари

Б.Ажиниязов—доцент.,

Р.Ажиниязов—докторант,

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Аннотация. Мақолада Оролбўйида қорақўл қўйлари ва турли гул типидagi қўзиларнинг экстерьер хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бу кўрсаткичда совлиқлар ва улардан олинган насли қўзилар ўртасидаги фарқлар аниқланган.

Калим сўзлар: қорақўл қўйлари, қўчқорлар, қўзилар, рангбаранглик, ташиқи кўриниш, гул типи, мослашувчанлик, яшовчанлик, урчитиш шароити.

Annotation. The article presents the results of studies on the study of the exterior characteristics of black Karakul sheep and lambs of different curl types in the Aral Sea region. Differences in this indicator between queens and the offspring obtained from them have been established.

Keywords: Karakul sheep, rams, lambs, coloring, exterior, curl type, adaptation, viability, conditions, breeding.

Кириш. Қорақалпоғистон республикаси қорақўлчиликини ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга бўлган ўзига хос ҳудуд ҳисобланади. Бу ўринда республикада мавжуд бўлган катта майдондаги чўл яйловлари айтилган фикрга асос бўла олади. Ушбу регионнинг табиий- иқлим шароити кескин континенталлиги, яйлов – озуқа шароити эса кам ҳосилдорлиги билан характерланади, айниқса орол бўйи региони оғир шароити билан тавсифланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, табиийки, ушбу шароитда урчитилувчи қорақўл қўйлари юқори адаптив хусусиятларга, ҳаётчанликка ва ўзига хос экстерьер хусусиятларига эга бўлади.

Экстерьер ҳайвонларнинг ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлигини белгиловчи муҳим биологик кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич қорақўлчиликда турли даврларда олимлар (А.Юлдашев, 1973; С.Ю.Юсупов ва бошқалар, 1990; С.Ю.Юсупов, 1989; 2005) томонидан ўрганилиб, ушбу хусусиятларининг аҳамияти тўғрисида муҳим фикрлар билдирилган.

Табиийки, Орол бўйи ҳудудида урчитилувчи қорақўл қўйлари ўзига хос экстерьер кўрсаткичлари билан характерланади ва бу кўрсаткичлар қўйларда турли даражадаги маҳсулдорликни намоён этади.

Шу нуқтаи назардан Қорақалпоғистоннинг Орол бўйи шароитида урчитиладиган қорақўл қўйларининг экстерьер хусусиятларини ўрганиш илмий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади. Орол бўйи шароитида урчитилувчи қора рангли қорақўл қўйлари ва улардан олинган авлодларнинг экстерьер хусусиятларига баҳо бериш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот манбаи ва услублари. Тадқиқотлар Қорақалпоғистон республикаси, Қўнғирот тумани “Устюрт қорақўлчилиқ Маркази” ишлаб чиқариш корхонасида урчитилувчи қора рангли қорақўл қўйлари ва улардан олинган авлодларда бажарилди.

Экстерьер кўрсаткичларни А.И.Чижик (1979) қўлланмасида кўрсатилган услублар бўйича ўрганилиб, олинган экспериментал маълумотларга ишлов бериш вариацион статистика усулида (Н.А.Плохинский, 1969) амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари. Ҳайвонлар экстерьерлари, тадқиқотларда таъкидланишича уларнинг маҳсулдорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Қорақўл

қўйларида ушбу кўрсаткич бўйича кузатиладиган ҳар хиллик улардан олинадиган маҳсулотларнинг кенг ўзгарувчанликка эга бўлишига олиб келади. Таъкидлаш лозимки, экстерьер хусусиятлар қорақўл маҳсулотининг сифат кўрсаткичларига таъсир этиш билан бир қаторда қўйларнинг мослашувчанлик, ҳаётчанлик, серпуштлиқ, маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан ҳам узвий боғлиқликка эга.

Ўзига хос экстерьер хусусиятлари билан характерланувчи мустаҳкам конституция типига мансуб қўйларнинг мақсадга мувофиқ кўрсаткичлар билан ажралиб туриши аниқланган (С. Ю. Юсупов, 2005).

Оғир экстремал чўл шароитида қорақўл қўйларини самарали урчитишда уларнинг мустаҳкам конституцияга эга бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб Орол бўйи ҳудудида урчитилувчи қора рангли қорақўл совлиқлари ва улардан олинган авлодларнинг экстерьер хусусиятларини ўрганиш йўналишида тадқиқотлар олиб борилди. Маълумотлар 1-жадвалда умумлаштирилган.

1-жадвал

Қўйлар ва улар авлодларининг экстерьер хусусиятлари, см ($\bar{X} \pm S_x$)

Экстерьер ўлчамлари	Гуруҳлар	Гул типлари			
		Ярим доира қаламгул	Қовурға симон	Ясси	Ўсикгул
Қарчиғай баландлиги	қўйлар	65,9±0,15	64,7±0,17	64,1±0,16	66,8±0,19
	қўзилар	35,2±0,13	35,3±0,15	34,8±0,14	36,4±0,15
Гавданинг қия узунлиги	қўйлар	67,3±0,21	66,9±0,19	65,4±0,16	67,9±0,21
	қўзилар	31,2±0,11	31,1±0,11	30,8±0,12	32,1±0,14
Қўкрак айланаси	қўйлар	86,2±0,23	86,0±0,21	85,6±0,20	87,3±0,23
	қўзилар	40,8±0,19	40,9±0,17	40,1±0,16	41,7±0,18
Қўкрак кенглиги	қўйлар	19,6±0,15	19,4±0,15	19,1±0,16	21,1±0,08
	қўзилар	10,1±0,07	10,2±0,08	9,9±0,06	11,1±0,09
Қўкрак чуқурлиги	қўйлар	32,1±0,08	32,3±0,09	31,7±0,10	33,2±0,09
	қўзилар	15,7±0,07	15,6±0,07	15,3±0,05	16,7±0,04
Пойча айланаси	қўйлар	8,1±0,05	8,2±0,06	8,1±0,05	8,3±0,04
	қўзилар	5,8±0,03	5,8±0,04	5,7±0,03	6,0±0,04

Қўйлар-30 бошдан

Қўзилар: ярим доира қаламгул-28;

Қовурғасимон-25;

Ясси-24;

Ўсикгул-26

Олинган маълумотлар кўрсатадики Орол бўйида урчитилувчи қорақўл қўйлари ва қўзилари етарли даражадаги экстерьер кўрсаткичларига эга бўлади. Ушбу ҳолатда турли гул типлари миқёсида катта ёшли қўйлар 64,1-66,8 сантиметр, қўзилар 34,8-36,4 сантиметр даражаларидаги қарчиғай баландлигига, 65,4-67,9 ва 30,8-32,1 сантиметр даражаларидаги гавданинг қия узунлигига, 85,6-87,3 ва 40,1-41,7 сантиметр даражаларидаги қўкрак айланасига, 19,1-21,1 ва 9,9-11,1 сантиметр даражаларидаги қўкрак кенглигига, 31,7-33,2 ва 15,3-16,7 сантиметр даражаларидаги қўкрак чуқурлигига, 8,1-8,3 ва 5,7-6,0 сантиметр даражаларидаги пойча айланасига эга бўлиб, энг паст кўрсаткичлар билан ясси типли, энг юқори кўрсаткичлар билан эса ўсикгул типли қўйлар характерланиши, ярим доира қаламгул ва қовурғасимон типли қўйлар эса оралик ҳолатни эгаллаши аниқланди.

Хулоса. Оғир экстремал шароитда қўйлари мослашувчанликнинг ошиши ҳисобига етарли даражадаги экстерьер кўрсаткичларига эга бўлади ва бу ҳолат уларнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Плохинский Н. А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва, 1969. 256 стр.
2. Чижик И. А. В кн. Конституция и экстерьер сельскохозяйственных животных. Ленинград. 1979. 373 стр.

3. Юлдашев А. Некоторые хозяйственные и биологические особенности овец сур разных шерстно – конституциональных типов и качество приплода. Автореф.дисс. канд. с.х.н. Душанбе, 1973. 22 стр.

4. Юсупов С. Ю. Конституциональная дифференциация и продуктивность каракульских овец. Монография. Ташкент, 2005. 239 стр.

5. Юсупов С. Ю. Конституция и селекция каракульских овец.// Обзорная информация. Изд. НИИНТИ и технико-экономических исследований Госплана УзССР, 1989. 29 стр.

6. Юсупов С. Ю. и др. Методические рекомендации по использованию типов конституции в селекции каракульских овец.// Госкоопком по сельскому хозяйству УзССР. Ташкент, 1990. 17 стр.

УЎК: 636.082: 577.21

ҚОРАҚҰЛ ҚҰЙЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИДА МОЛЕКУЛЯР – ГЕНЕТИК ДИАГНОСТИКА

Ў.Н.Ҳакимов-илмий ходим, қ-х.ф.н.

М.Х.Тухтамишев-докторант

ЎЗР ФА Навоий бўлими, mirjalol.tuxtamishev@mail.ru

Аннотация. Мақолада хориж олимларининг қорақўл қўйларининг селекциясида молекуляр-генетик тадқиқот ишлари таҳлил қилинган. Қорақўл қўйларида молекуляр-генетик тадқиқотларнинг ўтказилиши ва тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган генодиагностика усулларида фойдаланган ҳолда селекция-наслчилик ишларининг аниқлигини ва самарадорлигини ошириш имкониятлари ёритилган.

Калим сўзлар: Генодиагностика, молекуляр генетика, микросателлитлар, маркер, ДНК, SNP, Illumina SNP50K қорақўл қўйлари, селекция.

Annotation. The article analyzes the molecular-genetic research work of foreign scientists in the selection of Karakol sheep. The possibilities of increasing the accuracy and efficiency of breeding-selection work using genodiagnostic methods developed on the basis of molecular-genetic research in Karakol sheep and the data obtained as a result of the research are highlighted.

Keywords: Genodiagnosics, molecular genetics, microsatellites, marker, DNA, SNP, Illumina SNP50K, Karakol sheep, selection.

Кириш. Дунёда қорақўл қўйлари 20 дан зиёд давлатларда урчитилади. Аммо, жаҳон бозорига қорақўл мўйнасини экспорт қилаётган давлатлар сони 5-6 тадан ошмайди, булар асосан Ўзбекистон, Афғонистон, Намибия ва Туркменистон давлатлари ҳисобланади. Бу давлатлардан ташқари қорақўл қўйларининг селекция-наслчилиги билан ривожланган давлатлар (Германия, АҚШ, Руминия, Қозоғистон, Россия, Эрон ва Хитой) шуғулланишади ва бу давлатларда қорақўл қўйларининг ДНК-диагностикаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари яхши йўлга қўйилган.

Қорақўл қўйларининг селекция наслчилик ишлари мураккаб жарён ҳисобланади. Бунга сабаб, қорақўл қўйларидан олинадиган қорақўл мўйнаси рангларида хилма-хиллиги ва ассортиментининг кўплигидир. Қорақўл қўйларида гул типлари, ранги ва туси, ранг-баранглиги бўйича селекция ишлари олиб борилади. Гул типлари ўз ўрнида ярим доира гул типи, қовурғасимон, ясси ва кавказ типларларига бўлинади. Бундан ташқари, свакоқорақўл (свакара) ҳам гул типлари бўйича ўзига хос типларга (water silk ва voter silk), афғон қорақўли ҳам гул типларга ажратилган ва ўзларига хос селекция